

Ўтган кишиларга сиғиниш

05:00 / 14.03.2017 2851

Ўтган кишиларга сиғиниш, барча халқлар ўртасида кенг тарқалган ақидадир. Одамлар ўтиб кетганларга ўзларича худонинг сифатларини беришади. Кимки бу эътиқод моҳиятини чуқур ўйлаб кўрса, унинг нотўғри ва қониқарсиз эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Бу маънони тузукроқ англатиш мақсадида «Тафсири Ҳилол»дан иқтибос келтирамиз:

«Аллоҳ таоло Одам Атони жаннатдан ерга туширгач, унинг зурриётига барака берди. Улар тезда кўпайиб кетдилар, касбу кор ўргандилар. Улар Одам Атога келган динга эътиқод қилиб, ягона Аллоҳга ибодат қилишар эди. Одам авлодини хайрли ишлардан қайтаришга онт ичган шайтон бу ҳолга тоқат қила олмади. Кишиларни ширкка чақиришга, буту санамларга ибодат қилидиришга урина бошлади. Одам Атонинг дастлабки авлодлари ичида Аллоҳдан кўрқадиган, тақводор, солиҳ кишилар бор эди. Уларни атрофидагилар яхши кўришар, ҳурмат қилишарди. Вақт-соати етиб, улар оламдан ўтганларидан сўнг шайтон қолган кишилар орасида васаваса қилиб: «Агар сизлар вафот этган солиҳ кишиларни ҳақиқатда яхши кўрсаларингиз ва эслаб туришни хоҳласаларингиз, суратларини чизиб қўйинг, эртаю кеч назар солиб турасизлар», деди. Одамларга бу гап ёқиб тушди. Аввал бошда суратга қараб уларни эслаб туришди, сўнгра суратлар ўрнига ҳайкаллар қилиб, ибодатхона ва уйларга қўйишди. Улар бу ҳайкаллар ҳеч кимга фойда ҳам зарар ҳам келтира олмаслиги яхши билишар эди. Лекин солиҳ кишиларнинг баракаси, деб ҳайкалларни ҳурмат қилишарди. Вақт ўтиши билан ҳайкалларнинг сони ҳам, иззат-икромии ҳам ортиб бораверди. Қайси солиҳ киши вафот этса, унга ҳайкал қўядиган бўлишди.

Кейинги авлодлар ўз оталари ҳайкалларининг улуғлаётганини, уларнинг ҳузурида дуо қилишаётганликларини кўриб вояга етди. Охир-оқибатда кишилар ҳайкалларга сажда қиладиган, улардан ёрдам сўрайдиган ва қурбонлик атайдиган бўлиб қолишди. Шундоқ қилишиб, ҳайкаллар буту санамларга айланди. Одамлар уларни худо даражасига кўтариб, уларга эътиқод билан ибодат қила бошладилар».

«Ривоятларда келишича, Қуръони Каримда номлари зикр этилган Вадд, Суваъ, Яғус, Яъуқ ва Насрлар аҳли солиҳ, тақводор кишилар бўлганлар. Кишилар уларнинг ниҳоятда яхши кўрганлар ва ҳурмат қилганлар. Вақти-соати етиб улар вафот этганларидан сўнг Шайтон васвасасига учиб, кишилар уларнинг суратларини чизганлар, сўнгра ҳайкалларини ясаганлар. Уларни зиёрат қилганлар. Аста-секин дардларини уларга айтадиган бўлишган. Оқибатда вақт ўтиши билан, уларни Худо деб эътиқод қилганлар ва уларга ибодат қилганлар».

Ўтиб кетганлар ким ўзи? Ўйлаб кўрайлик-чи. Улар ҳам аслида оддий одамлар бўлган, еб-ичган, касал бўлиб тузалган ва ниҳоят ажали етиб ўлган. Баданларини қурт еб, чириб кетган. Хўш, шундан ёрдам сўраш, унга илтижо қилиш ақлга тўғри келадими? Албатта, йўқ. Баъзилар уларнинг аждодлари борганларидан сўнг, руҳлари жасадларидан ажраб чиқади, шу руҳлар улар билан бирга юриб, қўллаб-қувватлайди ёки ёрдам беради, дейди. Шундай тушунчадаги кишиларга савол берамиз: «Ўша сиз айтган руҳлар қани? Уларнинг ҳақиқати нима ўзи? Ва сизларни қандай қилиб ҳимоя қилади?» Аслида руҳ жисмдан ажрагандан сўнг кучсиз бир нарсага айланади ва ҳеч нарсага таъсир қила олмайди. Руҳ фақат жисм билан бириккандагина қувватга кириб, таъсирга эга бўлади. Тирик инсон қувватга тўлган чоғларида ҳам кўпгина нарсаларни амалга ошира олмайди. Ўз атрофидаги нарсаларга таъсир қила олмайди. Шундай экан, ўликлар қандай қилиб таъсир ўтказсин? Ўтган аждодларга сиғиниш, кўпгина хурофот ва афсоналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.